



№ _____

**Олий таълим муассасалари
ректорлари ва филиаллар
директорларига**

Олий таълим муассасаларида ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотлари Намунавий режасига мувофиқ, 2018/2019-ўқув йилининг бешинчи ҳафтасида ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотлари материаллари иловага мувофиқ юборилмоқда.

Шу муносабат билан, Сиздан ҳафта давомида ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотларини вазирликнинг 2018 йил 13 сентябрдаги 87-02-2527-сонли хати орқали тақдим этилган “Ахборот ва мураббийлик соати сабоқлари” номли услубий қўлланмага мувофиқ равишда, юқори савияда ўтказилишини таъминлашингиз сўралади.

Илова: 16 бет.

**Ҳурмат билан,
“Маънавият ва маърифат”
маркази директори**

О.А.Худайназаров

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ,
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР
МАЪЛУМОТЛАР**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ МУТАХАССИСЛАРНИ ХОРИЖДА ТАЙЁРЛАШ ВА
ВАТАНДОШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛИШ БЎЙИЧА “ЭЛ-ЮРТ
УМИДИ” ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони

<http://www.uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-vazirlar-ma-kamasi-uzuridagi-mutakhas-26-09-2018>

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ “ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ
ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-
ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

<http://www.uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasining-davlat-kharidlari-t-risida-gi-onu-28-09-2018>

**ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН
ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН
ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони

<http://www.uza.uz/oz/documents/-ituvchi-va-murfagahreabbiylar-kuni-munosabati-bilan-talim-tarbiya--28-09-2018>

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

<http://www.uza.uz/oz/documents/maktabgacha-talim-tizimini-bosh-arishni-takomillashtirish-ch-30-09-2018>

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Муҳтарам устозлар!

Қадрли дўстлар!

Сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда ўз ҳаётини ёш авлод тарбиясидек шарафли ишга бағишлаган барча юртдошларимизни 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан самимий муборакбод этаман.

Буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авланийнинг: “Инсон тафаккурининг қуввати ва кенглиги аввало муаллим тарбиясига боғлиқ” деган сўзлари сизларнинг машаққатли, айна вақтда олижаноб фаолиятингизга берилган юксак баҳодир, десак, ўйлайманки, адашмаган бўламиз.

Ҳақиқатан ҳам, биз ўзимиздаги жамики яхши фазилатлар, ҳаётда эришаётган барча ютуқларимиз учун сиз, азизлардан умрбод қарздормиз.

Ушбу кутлуғ айёмда сизларнинг шаънингизга энг гўзал сўзлар, эзгу тилақларимизни изҳор этар эканмиз, барчамизнинг камол топишимиз, жамиятда муносиб ўрин эгаллашимизда бор билим ва тажрибасини, қалб ҳароратини бахш этиб келаётган меҳридарё устозларимизга чин юракдан миннатдорлик билдирамиз.

Ҳурматли дўстлар!

Барчамиз яхши тушунамиз, таълим-тарбия – ҳар қайси давлат ва жамиятнинг нафақат бугунги, балки эртанги кунини ҳам ҳал қиладиган энг муҳим ва устувор масаладир.

Шунинг учун мамлакатимизда бу масалага давлат миқёсида улкан эътибор қаратилмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, охириги вақтда мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини мутлақо янги босқичга кўтаришга хизмат қиладиган бир неча муҳим қарорлар ҳақида алоҳида тўхталишни ўринли, деб биламан.

Аввало, 2017 йил 30 сентябрда қабул қилинган Президент қарорига мувофиқ юртимизда биринчи марта Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди. Шу асосда ўтган қисқа даврда ушбу тизим тубдан янгича негизда ташкил этилгани, 980 дан ортиқ боғча қурилиб, ишга туширилгани, бу масканларда таълим-тарбия ишлари мазмун ва сифат жиҳатидан энг илғор усул ва воситалар ёрдамида олиб борилаётганини қайд этиш лозим.

Яна бир муҳим ҳужжат – 2018 йил 14 августда қабул қилинган Президент қарорига биноан бошланғич ва юқори синф ўқитувчиларининг маошлари тенглаштирилди, янги йилдан бошлаб мутахассис ўқитувчиларнинг оширилган ойлик иш ҳақи миқдори 54 фоизга, олий тоифали педагогларники эса 64 фоизга етиши кўзда тутилмоқда.

Шу билан бирга, педагог ходимларни намунавий арзон уй-жойлар, автотранспорт воситалари билан таъминлаш мақсадида узоқ муддатли имтиёзли кредитлар бериш, уларнинг оила аъзоларига тадбиркорлик фаолияти учун имтиёзли кредитлар ажратиш тизими йўлга қўйилди.

Ана шу ишларнинг давоми сифатида шу йил 5 сентябрда қабул қилинган “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармони соҳа таракқиётида янги уфқлар очиб беради, деб ўйлайман.

Фармонда, жумладан, халқ таълими муассасаларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, моддий-техник ва ўқув-методик базасини мустаҳкамлаш, нодавлат умумтаълим масканлари тармоғини янада ривожлантириш, “Замонавий мактаб” давлат дастурини тайёрлаш, ишлаб турган пенсионер ўқитувчиларга пенсияларини тўлиқ миқдорда тўлаш каби масалалар аниқ белгилаб қўйилганидан сизлар албатта хабардорсиз.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда олий таълим тизимини ривожлантиришга ҳам устувор аҳамият берилмоқда. Янги олий ўқув юртлари билан бирга чет элдаги нуфузли университетларнинг филиаллари очилмоқда, олий таълим муассасаларига қабул квоталари оширилмоқда, кўпгина йўналишлар бўйича сиртқи бўлимлар фаолият кўрсатмоқда.

Буларнинг барчаси таълим-тарбия жараёнларининг сифати ва даражасини замон талаблари асосида тубдан яхшилаш, захматкаш устозларимиз, мазкур соҳада фаолият кўрсатаётган барча фидойи инсонлар учун муносиб меҳнат шароитлари яратиш, уларнинг кадр-қимматини юксалтиришга қаратилгани билан айниқса аҳамиятлидир.

Юртимизда жорий йил Инвестиция дастури доирасида 356 та таълим муассасасида 684 миллиард 700 миллион сўмлик, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари бўйича эса 371 та умумтаълим мактабида 424 миллиард сўмдан зиёд қурилиш-реконструкция ва таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, шу йил август ойига қадар давлат бюджетидан 12 триллион 366 миллиард сўм ёки ялпи харажатларнинг 26 фоиздан зиёди айнан таълим-тарбия соҳасига йўналтирилганини ҳисобга оладиган бўлсак, ушбу тизимдаги ислохотларимизнинг кўлами ва миқёси янада яққол аён бўлади.

Албатта, мамлакатимизда амалга оширилаётган ана шундай улкан ишларнинг амалий таъсири ва натижадорлигини таъминлашда ўқитувчи ва мураббийларнинг ўрни ва роли беқиёс эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Шунинг учун ҳам ёшларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида, замонавий билим ва касб-ҳунарлар, хорижий тилларни пухта эгаллаган, Ватанимиз ва халқимизга садоқатли инсонлар этиб вояга етказишда аввало сизларга таянамиз.

Айниқса, бутун дунёда мураккаб ва таҳликали вазият ҳукм сураётган ҳозирги вақтда ёшлар ҳаётига таҳдид солаётган хавф-хатарларнинг олдини олиш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашишда сизларнинг ибратли фаолиятингиз улкан аҳамиятга эга.

Шу борадаги ўта масъулиятли вазифалар сизлардан ўз устингизда тинимсиз ишлаш, фарзандларимизни янгича тафаккур, юксак инсоний туйғулар билан ошно этиш, уларда мустақил ва ижодий фикрлаш қобилиятини узлуксиз ривожлантириб боришни талаб этмоқда.

Ишончим комил, миллати, тили ва динидан қатъи назар, Ватанимизнинг ҳар бир фарзандини ўз боласидек севиб, ардоқлаб, уларни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш учун сидқидилдан меҳнат қилаётган сиз, хурматли Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийлари бу вазифаларни албатта шараф билан адо этасиз.

Бу йўлда сизларни доимо қўллаб-қувватлаш, барча зарур шароитларни яратиб бериш учун давлатимиз ва жамиятимиз ўзининг бор куч ва имкониятларини бундан буён ҳам аямайди.

Азиз ва мухтарам устозлар!

Барчангизни бугунги умумхалқ байрами билан яна бир бор самимий табриклайман.

Олижаноб ва масъулиятли фаолиятингизда куч-ғайрат, ютуқ ва омадлар, хонадонларингизга бахту саодат, файзу барака тилайман.

Ҳеч қачон кам бўлманг, меҳрибон устозлар!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ
МИРЗИЁЕВНИНГ ДУШАНБЕ ШАҲРИДА МДҲ ДАВЛАТ
РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ**

Ҳурматли Эмомали Шарипович!

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Бугунги учрашувимизнинг барча иштирокчиларини самимий қутлаш ва Тожикистон Республикаси Президенти, мухтарам Эмомали Шарипович Раҳмонга анъанавий самимий меҳмондўстлик ва ушбу мажлисни юксак даражада ташкил этгани учун миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига раислик қилиш даврида тожик биродарларимиз тузилмамиз доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш борасида самарали ишларни амалга оширганини алоҳида қайд этишни истардим.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Дунёда рўй бераётган жадал ўзгаришлар, тобора авж олиб бораётган глобал таҳдид ва хатарлар шароитида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги кўп қиррали муносабатларни мустаҳкамлаш учун муҳим майдон бўлиб хизмат қилмоқда ва ўзининг зарур тузилма эканини тасдиқламоқда.

Ўтган йил мамлакатимизнинг МДҲ доирасидаги фаолиятида мутлақо янги босқични бошлаб берганини алоҳида қайд этишни муҳим деб биламан.

Ўзбекистон иқтисодиёт, энергетика, илм-фан ва инновация, жиноятчиликка қарши кураш каби соҳаларни қамраб олган ўндан зиёд тармоқ бўйича ҳамкорликка кўшилди.

Ташкилотимизнинг 2020 йилда бўладиган навбатдаги Саммитини Ўзбекистонда ўтказишга тайёр эканимизни тасдиқлаймиз.

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Кўп томонлама ҳамкорлигимизнинг энг долзарб ва истиқболли йўналишлари ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчи. Жаҳон иқтисодиётидаги мураккаб жараёнлар, "савдо урушлари" кескинлашиб, протекционизм кучайиб бораётган бугунги шароитда МДҲ эркин савдо зонасининг тўлақонли фаолият юритиши ва ўзаро бозорларни шакллантириш ҳал қилувчи масалаларга айланиши лозим.

Фақат йилнинг бошидан буён Ўзбекистон ва Ҳамдўстликнинг кўпчилик мамлакатлари ўртасидаги савдо ҳажми сезиларли даражада ўсди.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг юқори даражадаги ўсиш суръатларини таъминлаш мақсадида божхона тартиб-таомилларини имкон қадар соддалаштириш, савдо соҳасидаги мавжуд барча тўсиқ ва чекловлар, жумладан, техник ғовларга барҳам бериш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Ҳамдўстлик маконида хизматлар бўйича эркин савдо зонасини тезроқ яратиш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Иккинчи. Ўзбекистон машинасозлик, энергетика, электротехника, тўқимачилик, фармацевтика саноати, қишлоқ хўжалиги соҳаларида кооперацияни янада кучайтириш тарафдоридир.

Биз бундай ҳамкорликни Ҳамдўстликнинг барча мамлакатлари билан фаол ривожлантирмоқдамиз.

Қўшма лойиҳаларни қўллаб-қувватлашнинг янги механизмларини шакллантириш мақсадида Ўзбекистонда МДҲ мамлакатлари иштирокида Молия-банк форумини ўтказишга тайёрмиз.

Учинчи. Тарифлар бўйича ўзаро имтиёзлар беришга доир ягона механизмни жорий этган ҳолда, халқаро ва минтақавий транспорт йўлакларидан самарали фойдаланиш, барча турдаги транспортлар билан юк ташишга оид талабларни бирхиллаштириш ва турли тўсиқларни бартараф этиш, логистика марказларини ривожлантиришга қаратилган ишларни давом эттириш муҳимдир.

Тўртинчи. Бизнинг фикримизча, ўзаро маҳсулот етказиб беришда "яшил йўлаклар"ни кенг жорий этиш қишлоқ хўжалиги соҳасидаги самарали ҳамкорликка хизмат қилади.

МДҲнинг Агросаноат комплекси масалалари бўйича кенгаши ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги бошқа тузилмалари фаолиятини фаоллаштириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Бешинчи. Ҳамдўстлик мамлакатларида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг роли тобора ортиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда, МДҲ доирасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича узок истиқболга мўлжалланган дастурни ишлаб чиқиш ва қабул қилишни маъқуллаймиз.

Шу тариқа саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳалари, молия секторида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида илғор рақамли технологияларни жорий этиш, шунингдек, аҳоли ва бизнес субъектларининг қулай электрон хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширган бўлар эдик.

Олтинчи. Ҳудудлараро ва чегараларга яқин минтақалар ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда 2020 йилда МДҲ минтақалари форумини ўтказишни таклиф этамиз.

Еттинчи. Фашизм устидан қозонилган умумий Ғалабамизнинг 75 йиллигини кенг нишонлаш бўйича биргаликда тадбирлар ўтказишга устувор эътибор қаратамиз.

Бу масала 2020 йилда Ўзбекистоннинг МДҲга раислиги концепциясида алоҳида акс эттирилади.

Саккизинчи. Хавфсизликни таъминлаш, юзага келаётган таҳдидларга ўз вақтида жавоб қайтариш мамлакатларимиз барқарор тараққиётининг ҳал қилувчи шартидир.

Афғонистонда хануз давом этаётган қуролли можаро Ҳамдўстликка аъзо мамлакатларнинг аксарияти учун умумий таҳдид бўлиб қолмоқда.

МДХ Афғонистон муаммосини сиёсий йўл билан тезроқ ҳал этишга қаратилган халқаро саъй-ҳаракатларда муҳим роль ўйнашга қодир.

Халқаро терроризм хавфининг тобора ортиб бораётгани жиддий ташвиш уйғотмоқда.

Бугунги террорчилик тузилмалари катта молиявий ресурсларга, энг янги ахборот ва техника воситаларига эга, юқори даражада ҳаракатчан ва тезқордир.

Ҳозирги пайтда уларнинг Яқин Шарқдан Афғонистонга, МДХ чегаралари яқинига кўчиб ўтиш тенденцияси кучаймоқда.

Мамлакатларимиз терроризм хавфини ўз вақтида ва самарали қайтариш учун ўзаро келишилган, аввало, олдиндан зарба беришга қаратилган ҳаракатларга тайёр туриши лозим.

МДХ маконида юзага келаётган хавфсизликка қарши таҳдидларнинг ўз вақтида олдини олиш учун таҳлилий ва тезқор ахборот билан мунтазам алмашишнинг амалдаги механизмлари доирасида самарали ҳамкорликни таъминлаган ҳолда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва махсус хизматлар фаолиятини мувофиқлаштиришни кучайтириш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Ёшлар ўртасида радикаллашув муаммоси эътиборимиз марказида бўлиб қолиши лозим. Шу муносабат билан таълим-тарбия, илм-маърифат, ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳаётда ўз ўрнини топиши учун зарур шароитлар яратиш борасидаги ҳамкорликни кенгайтириш зарур.

Ўзбекистон МДХга аъзо давлатларнинг Ёшлар масалалари кенгаши фаолиятига қўшилмоқда ва унинг фаолиятида фаол иштирок этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Тўққизинчи. Маданий-гуманитар алоқалар ва маънавий қадриятлар Ҳамдўстлик мамлакатларини ҳамisha бирлаштириб келаётган кучдир.

Айнан шунинг учун ҳам биз ҳар йили мамлакатларимизда навбати билан туризм ярмаркалари ва МДХ маданияти кунларини, Ҳамдўстликнинг ижодкор ёшлари ўртасида мунтазам учрашувларни, уларнинг ҳар бирини муайян мавзуга бағишлаган ҳолда ташкил этишни, шунингдек, МДХ Давлатлари маданий мероси Виртуал музейини яратишни таклиф этамиз.

Ҳурматли учрашув иштирокчилари!

Сўзимнинг якунида туркменистонлик дўстларимизни Ҳамдўстликка раисликни қабул қилгани билан табриклаш ва уларга катта муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Муҳтарам Эмомали Шарипович Раҳмонга самимий қабул ва саммит юксак даражада ташкил этилгани учун яна бир бор миннатдорлик билдираман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ЎЗБЕКИСТОН-ҲИНДИСТОН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИГИ ЯНГИ, ЯНАДА ЮКСАК БОСҚИЧГА КЎТАРИЛМОҚДА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ҳиндистон Республикаси Президенти Рам Натх Ковинднинг таклифига биноан 30 сентябрь – 1 октябрь кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.

Ташрифнинг иккинчи куни “Раштрапати Бхаван” саройида давлатимиз раҳбарини расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон ва Ҳиндистон давлат мадҳиялари янгради. Давлатимиз раҳбари фахрий қоровул сафи олдидан ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев шу ерда мамлакатимиз ва Ҳиндистон оммавий ахборот воситалари учун қисқача баёнот берди.

Давлатимиз раҳбари Ҳиндистон Президенти ва Бош вазирга таклиф учун миннатдорлик билдириб, халқларимизни тарихий ришталар, ўхшаш анъаналар, маънавий ва маданий яқинлик боғлаб туришини таъкидлади.

Бугунги кунда Ҳиндистон жадал ривожланмоқда, замонавий қиёфа касб этмоқда. Унинг қудратли давлат ва иқтисодиёти ривожланган мамлакат сифатида жаҳондаги ўрни тобора мустаҳкамланмоқда. Ушбу мамлакат, айниқса, юқори технологиялар, инновациялар, саноат, дастурлаш, соғлиқни сақлаш, хизмат кўрсатиш соҳаларида илғор ҳисобланади.

Биз олий даражадаги учрашувларимиз натижасида фаоллашиб бораётган Ўзбекистон – Ҳиндистон муносабатларининг бугунги суръатини юқори баҳолаймиз. Ишончим комилки, ушбу ташриф ва самарали музокараларимиз мамлакатларимиз стратегик шериклигини янги босқичга олиб чиқиш имконини беради, деди Президентимиз.

Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев Нью-Дехли шаҳридаги «Раж Гхат» ёдгорлигига ташриф буюриб, ҳинд халқининг миллий қаҳрамони Маҳатма Ганди хотирасига ёқилган мангу олов ёнига гулчамбар қўйди.

Моҳандас Карамчанд Ганди Ҳиндистон миллий озодлик ҳаракатининг буюк раҳнамоси, “гандичилик” ғоясининг асосчисидир. У ўз ватанининг миллий истиклоли учун курашган ва Ҳиндистонда мустамлакачиликка чек қўйган инсон сифатида қадрланади. Маҳатма Ганди туғилган кун – 2 октябрь миллий байрам сифатида кенг нишонланади. Мазкур ёдгорлик мажмуаси унинг мамлакати ва халқи олдидаги хизматларига ҳурмат ифодаси сифатида бунёд этилган.

Шавкат Мирзиёев буюк давлат ва сиёсат арбоби хотирасига ҳурмат бажо келтирди, мажмуанинг фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

Ҳайдаробод саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модининг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқот чоғида таъкидланганидек, ўзбек ва ҳинд халқларини тарихий ва маданий муштараклик боғлаб туради, стратегик шерикликни ривожлантириш ва кўплаб йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада фаоллаштириш учун мустаҳкам пойдевор мавжуд.

Ўзбекистон билан Ҳиндистон халқаро майдонда, жумладан, БМТ ва ШХТ доирасида бир-бирининг ташаббусларини қўллаб-қувватлайди. Минтақавий ва халқаро долзарб масалалар бўйича томонларнинг позициялари ўхшаш ёки яқин.

Халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, наркотикларнинг ноқонуний айланиши, трансмиллий уюшган жиноятчилик, шунингдек, бошқа минтақавий ва глобал таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашишда икки томонлама ва кўп томонлама тузилмалар доирасида ҳамкорликни янада ривожлантириш муҳимлиги таъкидланди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, инвестициявий, инновация, транспорт, энергетика, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Бош вазир Нарендра Моди мулоқотни икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттирди.

Ҳиндистон улкан иқтисодий имкониятларга эга, саноати ривожланган мамлакат. Ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича дунёда олтинчи ўринда туради. Юқори технологиялар, инновациялар, дастурлаш, соғлиқни сақлаш, хизмат кўрсатиш соҳалари ривожига катта эътибор қаратаётган мамлакатимиз учун Ҳиндистон тажрибаси ва технологиялари муҳим аҳамиятга эга. Ҳиндистон учун ҳам изчил ривожланаётган, инвесторларни қўллаб-қувватлаётган Ўзбекистон истиқболли ҳамкордир.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик мамлакатларимиз муносабатларининг асосий йўналишларидан биридир. Бугунги кунда Ўзбекистонда Ҳиндистон сармояси иштирокида 145 корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг 58 таси тўлиқ хориж капитали эвазига ташкил этилган. 2018 йилнинг биринчи чорагида Ҳиндистон сармояси иштирокида 9 та корхона ташкил этилгани ҳинд ишбилармонларининг мамлакатимизда фаоллиги ошаётганидан далолатдир.

Президентимиз ташрифи арафасида ўтказилган икки мамлакат мутасадди вазирлик ва идоралари ҳамда ишбилармон доираларнинг қўшма бизнес-форумида умумий қиймати 3 миллиард доллардан зиёд бўлган сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди.

Музокарада савдо, иқтисодиёт, инвестициялар, юқори технологиялар, тиббиёт, фармацевтика, туризм ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликнинг янги имкониятлари муҳокама қилинди.

Бу борада ҳали фойдаланилмаган имкониятлар кўплиги, ушбу ташриф ўзаро манфаатли Ўзбекистон – Ҳиндистон муносабатларига янги суръат бахш этиши таъкидланди. Бунда икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқаларни фаоллаштириш алоҳида аҳамиятга эга.

Нью-Дехлида ўтган олий даражадаги музокаралар якунида имзоланган ҳужжатларни ўзаро алмашиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон-Ҳиндистон мулоқоти якунида икки мамлакат ҳамкорлигини турли соҳаларда янги, янада юқори босқичга олиб чиқишга қаратилган 20 та ҳужжат имзолангани қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳиндистон Республикаси Бош вазирининг Қўшма баёноти қабул қилинди.

Дипломатик паспорт эгаларини виза талабларидан озод этиш, туризм, кишлок хўжалиги, фан-техника ва инновациялар, коинотни тадқиқ этиш ва ундан тинчлик мақсадларида фойдаланиш, гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш, соғлиқни сақлаш ва тиббиёт илми соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битимлар имзоланди.

Бундан ташқари, ҳарбий таълим, ҳуқуқ ва адлия, фармацевтика соҳаларидаги муносабатларни ривожлантиришга доир ўзаро англашув меморандумлари қабул қилинди. Имзоланган ҳужжатлар орасида Ўзбекистон – Ҳиндистон ишбилармонлик кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги битим, шунингдек, Андижон вилояти билан Ҳиндистоннинг Гужарат штати, Самарқанд ва Агра шаҳарлари ўртасида ҳамкорлик ва шерикликни йўлга қўйиш, Андижон шаҳрида Эркин фармацевтика зонасини ташкил этиш тўғрисидаги англашув меморандумлари алоҳида аҳамиятга эга.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ўтказилган брифингда Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Ҳиндистон билан алоқаларга устувор аҳамият қаратиши, амалий руҳда ўтган музокаралар томонларнинг ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини тасдиқлаганини таъкидлади. Икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажмини 1 миллиард долларга етказишга келишиб олингани қайд этилди.

Анъанавий дўстлик руҳида ўтган бугунги музокаралар мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаати йўлида интилишларимиз қатъий эканини кўрсатди. Очиклик, ўзаро англашув ва манфаатларга ҳурмат асосида қарор топган ҳамкорлигимиз мустаҳкамланиб бораётганини юксак қадрлаймиз, деди давлатимиз раҳбари.

Биз Ўзбекистон Президенти билан мамлакатларимиз ҳамкорлигини ҳар томонлама муҳокама этиб, унинг истиқболли йўналишларини белгилаб олдик. Ўзаро савдода преференциялар қўллаш, ахборот технологиялари, ҳудудлараро ҳамкорлик ва бошқа қатор масалалар бўйича самарали келишувларга эришдик, деди Ҳиндистон Бош вазири.

Давлатимиз раҳбари ҳинд халқига юксак ҳурмат-эҳтиром рамзи сифатида Нарендра Модига буюк мутафаккир Робиндранат Тагорнинг ўзбек тилида чоп этилган 8 жилдли асарлар тўпламини совға қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Нью-Дехли шаҳрида ўзи учун ажратилган қароргоҳда Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар вазири Сушма Сваражни қабул қилди.

Мулоқотда давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида дўстлик ва стратегик шериклик муносабатлари изчил ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди. Жорий йилда томонларнинг интилиши натижасида ўтказилган учрашувлар, қатор делегациялар алмашувлари давлатлараро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани юқори баҳоланди.

Шавкат Мирзиёев мазкур давлат ташрифига тайёргарлик кўришда Свараж хонимнинг хизматлари катта эканини қайд этар экан, олий даражадаги учрашувлар мамлакатларимиз ўртасидаги анъанавий дўстона

муносабатларда янги даврни бошлашга, икки томонлама ҳамкорликни янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Нью-Дехли шаҳрида ўзи учун ажратилган қароргоҳда Ҳиндистон Республикаси вице-президенти, сенат раиси Венкай Найдунни қабул қилди.

Учрашувда мамлакатларимиз алоқаларини ривожлантиришнинг турли жиҳатлари, ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш масалалари хусусида фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбари “Раштрапати Бхаван” саройида Ҳиндистон Республикаси Президенти Рам Натх Ковинд билан учрашди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ҳиндистон Республикасига давлат ташрифи ниҳоясига етди. Ушбу ташриф, унда эришилган натижалар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар тарихидан муҳим ўрин эгаллаши ва ўзаро ҳамкорликни янги босқичга кўтариши муқаррар.

КИТОБХОНЛИК

Онгу тафаккурини чархловчи қудратли беминнат восита

Дунёда элатлар, миллатлар кўп. Уларнинг ҳар бири мураккаб тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтган. Бу жараёнда қадимги аجدодлардан кейинги авлодларга жуда кўплаб моддий ва номоддий материаллар мерос бўлиб қолган. Улар орасида инсоният онги ва тафаккури, руҳиятининг улкан ҳамда бетакрор ифодаси бўлмиш **КИТОБ** нинг ўрни бениҳоя каттадир. Бу борада ўзбек халқининг омади чопган. Умумжаҳон маданий ва илмий-адабий меросининг сезиларли қисми қадим аجدодларимиз томонидан яратилган.

Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Аҳмад ал-Фарғоний, Имом ал-Бухорий сингари Шарқ мутафаккирлари томонидан турли соҳаларда битилган китоблар бугун инсониятнинг бебаҳо хазинаси саналади. Уларнинг меросини синчковлик билан ўрганиш, таққослаш, кейинги фаолиятимиз учун зарурий хулосалар чиқариб олиш, шу юрт, шу Ватан, она Турон – Туркистон номи билан фахрланиш, бизни оқ ювиб, оқ тараган халқимиз, кўз қорачиғидек асраб-авайлаб вояга етказган ҳамюртларимиз олдидаги муқаддас бурчимиздир. Бу борада бизга маёқ вазифасини ўтовчи, энг тўғри ва мақбул йўлни кўрсатувчи восита бу – китобдир.

Бугун шиддат билан давом этаётган глобаллашув жараёнлари, маълумотларнинг бетўхтов оқими, “оммавий маданият” дунёдаги кўплаб халқларнинг ҳаёти издан чиқишига сабабчи бўлиб қолмоқда. Эзгу ғоялар йўлига ғов бўлаётган ғайри ижтимоий тармоқлар, бузғунчилик, зўравонлик, енгил-елпи ҳаётни тарғиб қилаётган интернет сайтлари, уяли алоқа воситалари ёшларни **КИТОБ** деб аталмиш буюк неъматдан, ҳаёт кечиришнинг қудратли воситасидан биров узоклаштириб қўйди. Уларнинг

таъсирида савияси паст, ғоявий жиҳатдан чиникмаган, иродаси суест ёшлар ўз йўлларида осонгина адашиб қолмоқдалар ва ёвуз ниятли ғаламис кимсаларнинг ўлжасига айланмоқдалар.

Инсоният зурёдини ёвуз кучлар қўлидан қутқариб қолувчи, уларнинг иродасини мустаҳкамловчи, маънавий дунёсини бойитувчи, онгу тафаккурини чархловчи қудратли беминнат восита ҳам бу – **КИТОБ**дир.

“Китоб бўлмаса, китобдан ёғилиб турган зиё бўлмаса, инсон тараққиётининг ҳозирги ёруғ чўққисига етмас эди”, – деб ёзган эди буюк ўзбек адибларидан бири Ғафур Ғулом.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев: *“Китоб бу маънавият, маънавият – бу китобдир”*, – дейди.

Талаба ёшларга биничи навбатда қуйидаги тушунчаларни сингдириш мақсадга мувофиқ саналади.

КИТОБ [арабча ёзилган, муқоваланган асар] **1** Маълум матнли варақлардан иборат, жузлаб ан, муқоваланган, ҳажми 48 саҳифадан кам бўлмаган босма (қадим қўлёзма ҳам) асар. **2** Умуман, маълум шахс, воқеа-ҳодисага оид тугал, одатда нашр этишга (китоб бўлишга) мўлжалланган асар.

КИТОБОТ [арабча ёзув, ёзиш; ёзувли лавҳа] эскича Ёзиш, кўчириб ёзиш, ёзув.

Китобот санъати Қўлёзма китобларни яратиш, уларга безак бериш.

КИТОБХОН [китоб+форсча ўқувчи, ўқийдиган] Китоб ўқувчи. *Китобхонлар анжумани.*

КУТОБХОНА ёки **ахборот ресурс маркази** Китоблар қўйилган жой, хона. Ёшларнинг китоб ўқиши, мутолаа қилиши учун барча шарт-шроитлар яратиб берилган, замонавий техника воситалари, ахборотлар билан таъминланган даргоҳ.

КИТОБХОНЛИК Китобхонлик, биргаликда китоб ўқиш

МУТОЛАА [арабча диққат билан ўқиш, ўрганиш] Диққат билан ўқиш, ўқиб тушуниб олиш. *Отабек жиддий равишда Фuzuлий мутолаасига берилди.* (Абдулла Қодирий)

МАДАНИЯТ [арабча шаҳар, цивилизация]

1. Жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий, маданий-маърифий ҳаётида қўлга киритган ютуқлари мажмуи. *Бугунги Тошкент – йирик саноат, фан ва маданият марказларидан бири.*

2. Бирор ижтимоий гуруҳ, синф ёки халқнинг маълум даврда қўлга киритган шундай ютуқлари даражаси. *Нутқ маданияти.*

3. Ўқимишлилик, таълим-тарбия кўрганлик, зиёилик, маърифат. *Маданиятга эришмоқ.*

4. Маданиятли шахс талабларига жавоб берувчи шароит. *Турмуш маданиятини юксалтириш*

5. *Қишлоқ хўжалигида Ўсимлик ёки экиннинг турларини етказиш, ўстириш, етиштириш. Деҳқончилик маданиятига эришмоқ.*

МАДАНИЯТЛИ. Маданиятга эришган, маъданиятни эгаллаган; маърифатли.

Талаба-ёшларнинг ижтимоий-сиёсий саводхонлигини ошириш бўйича тавсиялар

**Талабаларга қуйидаги китобларни ўқитиш тавсия этилади ва улар
бўйича қисқача аннотациялар берилади.**

1. Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» асари.

Мана тўққиз асрдан ошибдики, ушбу китоб турли тилларда кўпгина халқларнинг амиру уламолари, мутафаккиру ижодкорлари, умуман, зиёлиларнинг диққатини ўзига тортиб келади. Ҳатто Фарб мамлакатларида бу китоб барча даврлар учун давлатни, жамиятни бошқаришда, дину эътиқод поклигини, мамлакат яхлитлиги ва дахлсизлигини сақлашда, фуқаролар ҳақ-ҳуқуқлари ва осойишталигини ҳимоя қилишда, халққа шу талаблар даражасидаги салоҳиятли раҳбарлар бош бўлишида асқотадиган яхши кўлланма, мароқли бадиий асар ва тарихий манба сифатида эътироф этилган Китоб тарихчилар, сиёсатчи ва сиёсатшунослар, файласуфлар, шунингдек, бу соҳаларга қизиққан китобхонлар оммаси учун мўлжалланган...

“Сиёсатнома” асари яратилган даврдан бошлаб олимлар, тарихчилар, адиблар, энг асосийси, шоҳу ҳокимлар диққатини ўзига тортиб келади. Бу асарни султонлар ва бошқа мансабдорлар кўчиртириб олиб, ўз фаолиятларида фойдаланганлар. “Сиёсатнома” Шарқ маданиятини, салжуқийлар тарихи ва сиёсий ҳаётини ўрганишда энг ишончли манба бўлиши билан бирга форс адабиётининг дастлабки бадиий асарларидан саналади. Асарда улуғ вазир ва давлат арбоби Низомулмулк амаллари ҳурмат-эҳтиром билан эсланиб, жумладан, шундай дейилади: “Масалан, Маликшоҳ Салжуқий ўз вазири – Низомулмулкни мартабасидан туширди. Вазир бошдан-оёқ яхши сифатларга ўралган эди. Унинг ўрнига зоти паст, ёмон бир кишини вазир қилиб тайинлади. Бу шумқадам вазирнинг қабих ишлари, зулм-ситами ва нафси бузуқлиги касофатидан салтанат биноси бузила бошлади”. Бошқа бир жойида Низомулмулк давлатни бошқаришда ибрат қилиб кўрсатилиб, унинг фазилатларига таъриф берилади: “Низомулмулкнинг ёмон қилмишлари кам бўлиб, хайрли ишлари кўпроқ эди. У ҳажга бормоқчи бўлиб турган вақтида авлиёлардан бири унга дебди: “Маликшоҳ давлатининг хизматида бўлиб, амалга ошираётган хайрли ишларинг ва Тангри таолонинг бандаларига етказиб турган ёрдамнинг ҳаж қилиш билан баробардир”.

Ақли, билимдон ва ҳушёр вазир мамлакат ҳаётининг турли жабҳаларида жуда катта куч эканлиги, подшоҳининг бошига тушган муҳим ва мушкул ишларни тадбиркорлиги ва узоқни кўра билиши қобилияти билан осонлаштириши олижанобларча эътироф этилади. “Бундай вазирни эъзозлаб, иззат-икром этсинлар”, “давлат шериги билиб, азиз тутсинлар. Зинҳор унинг сўзидан чиқмасинлар, у нима деган бўлса, бари ақл кўзгусидир”, –дея қайта-қайта таъкидланар экан, шундай хурматга сазовор вазир сифатида яна Низомулмулк мисол сифатида келтирилади. Асарнинг тарихий, сиёсий ва бадиий аҳамияти шундаки, у салжуқийлар ҳукмронлигига оид обрўли манба бўлиб, бу силсила шоҳлари учун давлатни бошқаришда бир дастур тарзида яратилган. Асар адабий манба сифатида ҳам жуда қимматлидир. Шу сабабли асарга, Низомулмулк шахсиятига Алишер Навоий, «Дастур ул-мулк» муаллифи Самандар Термизий, «Осор ал-билод» муаллифи Абу Яҳё Закариё ибн Муҳаммад ал-Қазвиний ҳамда Ибн Исфандиёр, Ибн Биби, Ибн Тиктак, Хожа Халифа ва бошқа кўплаб улуғ алломаю давлат арбоблари ғоят юксак баҳо берганлар.

Сиёсатнома» ёки «Сияр ул-мулк» асарини олимлар» салжуқийларнинг сиёсий дастури сифатида баҳолаганлар. Асарнинг асосий ғоялари ҳам шундан иборатки, вазир Низомулмулк шоҳ ва ҳокимларни адлу инсофга, сулҳ ва мурувватга, давлатни оқилона бошқариб, қатъий қоида ва тартиб ўрнатишга, амалдорларни виждонли, пок, ҳалол ва имонли бўлишга, мамлакат ободонлиги, унинг аҳли фаровонлиги, тинчлиги ва тотувлигини таъминлаш учун ҳаракат қилишга даъват этади.

Талаба Низомулмулк асарини ўқир экан, муаллифнинг ақл-заковати, ҳаётий тажрибаси, ҳикоя ва мисолларига мафтун бўлади, унда келтирилган илмий, ахлоқий-тарбиявий, диний далилларга ишонади, асар муаллифининг тилига, бадиий тасвир маҳоратига қойил қолади.

Масалан, Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” да Хожа Камолиддин Ҳусайн номли шоир ҳақида гапира туриб шундай ёзади: “Хожа Низомулмулкнинг ўғлидир. Отасининг таайюн ва иштиҳори бурунги Низомулмулкдин ортиқроқ бўлмаса, ўксук (кам) ҳам эмас. Эътибор юзидин анинг била тенг бор эди. Аммо мансаб юзидин ортти... “ Навоийнинг гаплари шуни кўрсатадики, Ҳирот маданий муҳити учун салжуқийлар вазири таниқли шахс бўлган. Шу боисдан ҳам бошқани унга қиёслаб, нисбат бериб таърифляпти.

Низомулмулк фикрича, адолат ва саховат хайр-садақадан, ночор, ноилож кишиларга мадад беришдан, бева-бечоралар, майиб ва ногиронларга хазинадан нафақа ажратишдан ва инсонларнинг ҳуқуқларига риоя қилишдан иборатдир. Амалдорларни тўғри танлаб, уларга қўлларидан келадиган ишлар ва вазифаларни топшириш, бир кишига бир амал бериб, ундан итоат ва ижро фазилатини кутиш давлат бошқарувининг асосий талабларидандир. Ҳар бир

ишда амалдорларнинг маслаҳат билан иш кўришлари кўзда тутилади. Низомулмулкнинг шоҳ ҳаёт тажрибасига эга бўлган, жаҳон кезган оксоқоллар, олиму мўътабар кишилар билан маслаҳатлашиб иш тутиши тарафдоридир.

Низомулмулкнинг яна бир фикри эътиборга сазовордир. Бу ғоя шундан иборатки, давлатда марказий ҳукумат (яъни шоҳ ҳокимияти) жуда ҳам кучли бўлиши лозим. Шундагина давлатда тинчлик ва адолат барқарор бўлади, раият ўз мақсадига ета олади, жамият сулҳ ва адолатда, мурувватда яшайди. XI аср вазири Низомулмулкнинг фикрича, раият аҳли, зулму ситам кўрган ҳар бир киши, умуман, норози бўлганлар амалдор ва ҳокимдан тортиб то вазир ва шоҳнинг ўзига қабулларига бориб, шикоятни ёки маслаҳатини баён қилишлари зарур. У ёзади: “Подшоҳ ҳафтада икки кун зулм кўрганларни қабул қилиб, золимларнинг додини бериб, жазолаб ва раият сўзларини бевосита эшитиб бориши керак. Агарда худованд подшоҳ додхоҳларини олдига чақириб, ҳафтада икки мартаба уларнинг сўзларини эшитади ва золимларнинг жазосини беради, деган хабар мамлакатга тарқалса, унда ситам қилувчилар оқибатини ўйлаб кўрқиб бедодлик қилмайдилар”.

2. Соҳибқирон Амир Темурнинг “Темур тузуклари” асари: Амир Темур шахсини идрок этиш – тарихни идрок этиш демакдир. Амир Темурни англаш–ўзлигимизни англаш демакдир. Амир Темурни улуғлаш–тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизни, ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир.

“Темур тузуклари” – подшоларнинг туриш-турмуш ва ахлоқ-одоб нормаларини белгиловчи рисоладир. Асар икки қисмдан иборат. Биринчи қисмда жаҳон тарихида машҳур фотиҳ, саркарда ва истеъдодли давлат арбоби сифатида ном қолдирган Амир Темурнинг етти ёши (1342)дан то вафотига (1405 йил, 18 февраль) қадар кечган ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти, аниқроқ қилиб айтганда, унинг Мовароуннаҳрда марказий ҳокимиятни қўлга киритиш, феодал тарқоқликка барҳам бериш ва марказлашган давлат тузиш, қўшни юрт ва мамлакатларни, масалан, Эрон ҳамда Афғонистонни ўз тасарруфига киритиш, Олтин Ўрда ҳукмдори Тўхтамишхон (1376—1395), бутун Европага қўрқув ва даҳшат солган Туркия султони Боязид Йилдирим (1389—1402)га қарши ва ниҳоят, буюк жаҳонгирнинг Озарбайжон, Грузия ва Ҳиндистонга қилган ҳарбий юришлари ихчам тарзда баён этилган.

Иккинчи қисм жаҳонгирнинг номидан айtilган ва унинг тожу тахт ворисларига аталган ўзига хос васият ва панд-насихатларидан иборат. Унда давлатни идора қилишда кимларга таяниш, тожу тахт эгаларининг тутуми ва вазифалари, вазир ва қўшин бошлиқларини сайлаш, сипоҳийларнинг маоши, мамлакатларни бошқариш тартиби, давлат арбоблари ва қўшин бошлиқларининг бурч ва вазифалари, амирлар, вазирлар ва бошқа

мансабдорларнинг тожу тахт олдида кўрсатган алоҳида хизматларини тақдирлаш тартиби ва бошқалар хусусида гап боради.

“Тузук” ёзиш одати Амир Темурдан аввал ҳам бўлган, кейин ҳам. Бу одат аслида хитойлардан ва турк-мўғул хонларидан қолган. Масалан, турк хоконларидан қолган “Қонуннома”, Чингизхондан қолган “Билик”, Хондамир (1474—1535) ёзган “Қонуни Ҳумоюн”, Рузбехон (1458—1521 ёки 1530) нинг қаламига мансуб бўлган ва шайбонийлардан Убайдуллахоннинг топшириғи билан ёзилган “Сулук ал-мулук” (Подшоларга йўл-йўриқ) шулар жумласидандир. Бундай асарларда давлатни идора қилиш тартиб-қоидалари, турли мансаб эгалари вазифалари, хайри садақа қилиш тартиби, солиқ солиш ва уни тўплаш тартиби, ҳарбий юришларни ўтказиш ва қўзғолонни бостириш қоидалари баён этилади.

“Бу ҳақда гапирганда, Амир Темурнинг давлатчилик ва дипломатия, ҳарбий маҳорат, бунёдкорлик салоҳияти, илму фан, санъат ва меъморчиликка оид қарашлари, ҳаётнинг маъно-мазмунини, инсонни улуғлайдиган эзгу ишлар ҳақида билдирган фикрлари, дину диёнат ва адолатни жойига қўйиш, салтанат ишларини кенгаш ва тадбир асосида амалга ошириш, ҳар бир масалада узоқни кўзлаб, эл манфаатини ўйлаб иш тутиш билан боғлиқ ибратли фазилатларини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Айнан мана шундай масалалар Соҳибқирон тафаккурининг маҳсули бўлган “Темур тузуклари” асарида ҳар томонлама аниқ, ишонарли ва таъсирчан тарзда ёритилган, десак, ҳақиқатни айтган бўламиз.

Соҳибқирон бобомиз бизга мерос қилиб қолдирган “Тузуклар”ни ўқисак, худдики ўзимизда қандайдир катта руҳий куч-қувват топгандек бўламиз. Ҳар бир сатри бир умр эл-юрт, салтанат ташвиши билан яшаган фидойи инсон, улкан давлат арбобининг кенг миқёсдаги ўй-фикрлари, ҳаёт ва кураш тажрибаси, мушоҳадаси, баъзан эса дардли ва изтиробли кечинмалари билан суғорилган бу асарда қандай теран маъно мужассам эканини маърифатли, зукко китобхон яхши англайди, албатта. Ундаги ҳеч қачон эскирмайдиган ҳаёт ҳикматларининг қанчалик тўғри эканига кўп бор ишонч ҳосил қиламиз. Масалан, “Тажрибамда кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир”, деган фикрлар бугунги кунда ҳам нақадар долзарб экани барчамизга аён. Ёки у зотнинг: “Салтанат ишларининг тўққиз улушини машварат, тадбир ва кенгаш, қолган бир улушини эса қилич билан бажо келтириш зарур”, деган кўрсатмаларида ҳозирги нотинч замон учун, XXI аср сиёсатдонлари учун ҳам ҳар жиҳатдан ибратли фикрлар борлигини таъкидлаш жоиз.

Бугунги мураккаб ва таҳликали даврда бу китобни қайта-қайта мутолаа қилиш, унинг мағзини чақиш биринчи галда ҳар қайси зиёли инсон учун бағоят фойдали экани ҳақида ортиқча гапириб ўтиришга ҳожат йўқ.

Ишончимиз комилки, ёшларимиз бу китобни меҳр қўйиб, тушуниб, чуқур англаб ўқиса, уларнинг қалбида миллий ғурур туйғуси юксалади, ўзининг қандай буюк зотларнинг авлоди эканини янада чуқурроқ ҳис этиб, ҳаётнинг ҳар қандай синов ва қийинчиликларини енгишга қодир инсонлар бўлиб вояга етади”.